

## PRINCIPLES OF USING NEW EDUCATIONAL TECHNOLOGIES IN TEACHING GEOGRAPHY TO SCHOOL STUDENTS

Nilufar Saydirasilovna Urinova

Teacher of Chirchik State Pedagogical Institute

### ABSTRACT

The subject of "Geography" has a special role in expanding the effectiveness of the educational process in secondary schools. To do this, it is important to use non-traditional teaching methods in teaching the subject of "Geography". The article contains recommendations on the possibility of using non-traditional teaching methods in teaching the subject of "Geography".

**Keywords:** non-traditional lesson, geography education, basic signals, interactive lesson, collaborative pedagogy, assessment, game techniques, innovative process, presentation.

## МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИГА ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЯНГИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Уринова Нилуфар Сайдирасиловна

Чирчиқ Давлат педагогика институти ўқитувчиси

### АННОТАЦИЯ

Умумий ўрта таълим мактабларида таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кенгайтиришда «География» фанининг ўзига хос ўрни бор. Бунинг учун «География» фанини ўқитишда ноанъанавий дарс усулларида фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Мақолада «География» фанини ўқитишда ноанъанавий дарс усулларида фойдаланиш имкониятлари ҳақидаги тавсиялар баён этилган.

**Таянч сўз ва тушунчалар:** ноанъанавий дарс, география таълими, таянч сигналлар, интерфаол дарс, ҳамкорлик педагогикаси, баҳолаш, ўйин техникаси, инновацион жараён, тақдимот.

### АННОТАЦИЯ

География играет особую роль в расширении эффективности образовательного процесса в средних школах. Для этой цели важно использовать нетрадиционные методы обучения в преподавании географии. В статье представлены рекомендации по использованию нетрадиционных методов обучения в преподавании географии.

**Ключевые слова и понятия:** нетрадиционный урок, образование в области географии, основные сигналы, интерактивные уроки, совместная педагогика, оценка, игровая техника, инновационный процесс, презентации

Ўзбекистон Республикаси миллий ва маънавий-маърифий тараққиётининг муваффақиятларини белгилаб берувчи бу туб вазифаларнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи педагогик технологияларни амалиётга татбиқ этишдан иборат. Бунда авторитар педагогикадан воз кечиб, «ҳамкорлик педагогикаси» технологиясини қабул қилишимиз

юқори самара беради. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда таълим ва тарбиянинг бош мақсади ва мазмуни тубдан янгиланиб бормоқда.

Бинобарин, инновацион педагогик технологиялар рақобатбардош кадрлар тайёрловчи олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда педагог-ўқитувчига қўйиладиган замон талаблари, педагог ўқитувчининг касбий маҳорати, ўқувчиларнинг онги, билими, дунёқарашини ўстириш, фаолликларини ошириш орқали таълим самарадорлигига эришиш билан боғлиқ масалалар мажмуини ифодалайди. Бир-бирига боғлиқ бўлган талабларнинг бу мажмуи ўқитувчининг умумлаштирилган модели ва унга асосан қуйидаги асосий талабларни ифодалайди:

– таълим бериш маҳорати;

– тарбиялай олиш маҳорати;

– таълим олувчиларнинг билимларини холисона баҳолай олиш ва назорат қила олиш маҳорати.

Демак, педагог ўз олдига қўйилган масъулиятли ва долзарб вазифаларни бажариш ҳамда таълим-тарбия жараёнига бўлган янгича қарашларни шакллантириш учун қатор хислатларга эга бўлиши керак.

Ж.Йўлдошев., С.Ҳасановлар ўқитувчининг касбига шундай талабларни қўйиб шарҳлаб ўтади.

- замонавий илмий, маданий ва технологик тараққиётнинг моҳиятини чуқур тушуна билиш;
- дунё ва инсон ҳақидаги билимлар тизимини чуқур ва кенг нуқтаи назардан англаш;
- компьютерли таълим ва ўқитишнинг бошқа техник воситаларини таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш;
- интернет тармоғи тўғрисида тушунчага эга бўлиш ва ундаги ахборот технологияси мазмунини теран таҳлил қила билиш;
- педагогик меҳнатнинг самарадорлигини таҳлил этиш усулларини билиш;
- умуминсоний ҳамда миллий маданият ва қадриятлар, миллий ғоя ва миллий мафкура ҳамда иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотлар моҳиятини тўлиқ тушуниб етиш;
- педагогик технологиялар моҳияти ва тамойиллари ҳамда унинг анъанавий ўқитиш жараёнидаги афзалликларини билиш, шахс манфаати ва таълим устуворлигини таъминлаш учун педагогик инновацияларни қўллаш олиш;
- ўқувчиларга ўз фани бўйича таълим беришда илғор педагогик технологияларни қўллаш олиш, ўқув жараёнини фаоллаштириш ҳамда ўқув материалларини ўзлаштиришнинг юқори даражасига эришиш ва ўқувчиларни мустақил фикрлаш ва ўз фикрини эркин баён этишга ўргатиш;
- ўз фанининг моҳир устаси ва фидойиси бўлишига эришиш;
- ўқувчиларнинг баркамол инсон бўлиши учун уларга ўз изланишлари, ижодкорлиги ҳамда бетиним меҳнати орқали таълим-тарбия бериш ва ҳоказо.

Инновацион педагогик технологияларни амалга оширишда таълим мазмунидан келиб чиқиб ўзига хос усул ва воситалардан фойдаланилади. Замонавий педагогик технологиялар методларига қуйидагилар киради.

● ўқитишнинг фаол методлари;

● педагогик техника;

- таълим жараёнини индивидуаллаштириш;
- илғор педагогик тизимларни лойиҳалаш;
- таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш;
- модулли таълим технологиялари;
- педагогикада инновацион жараёнлар;
- педагогик меҳнатни ташкил этишнинг илмий асослари;
- педагогик тест ва стандартлар;
- ишбилармонлик ўйинлари;
- ўйинли ўқитиш маданияти;
- ўйинли ўқитиш техникаси.

Инновацион педагогик технологияларни фаолиятли ташкил этиш таълимнинг замонавий воситалари, ўқитиш воситалари, таълим турларининг таълим воситаларига мувофиқлигини таъминлашга боғлиқ.

Бугунги кунда бир қатор ривожланган мамлакатларда таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи инновацион педагогик технологияларни қўллаш борасида катта тажриба асосларини ташкил этувчи методлар интерфаол методлар номи билан юритилмоқда.

Шу ўринда «Интерактив» дарс методини «интерфаол» деб чала таржимасини айтиш мазмунан хато эканлигига эътиборингизни қаратмоқчимиз. «Интерактив» сўзи қўшма сўз бўлиб, агар таржима қилиш зарур бўлса, унда ҳар бир сўзни таржима қилиш керак.

«Интерактив» инглизча «Interactive» сўзидан олинган бўлиб, «ўзаро ҳаракат ва таъсирланиш» деган маънони англатади.

Интерактив метод бирор фаолият ёки муаммони ўзаро мулоқотда, ўзаро баҳс мунозарада фикрлаш асносида, ҳамжиҳатлик билан ҳал этишдир. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, бутун фаолият ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатиб, мустақил ҳаётга тайёрлайди.

Ўқитишнинг интерактив усуллари танлашда таълим мақсади, таълим олувчиларнинг сони ва имкониятлари, ўқув муассасасининг ўқув-моддий шароити, таълимнинг давомийлиги, ўқитувчининг педагогик маҳорати ва бошқалар эътиборга олинади.

Дарсларда фойдаланадиган ҳар қандай интерфаол методлар таълим характериغا эга бўлиб, ўқувчилар билимининг мустахкамланишига, аниқлаштиришга ва кенгайтишига, уларни умумлаштиришга ва тизимга солишга ёрдам беради, жамият ва табиат ходисаларига қизиқишни оширади, ўқув мазмуни манбаларни янада мустахкам тушиниб, ўқувчилар ўзаро муҳофафа асосида мустақил фикрлаш имкониятлари ривожланади. Ўқитувчи интерфаол усуллари ҳамда дидактик ўйинларни ўқувчиларнинг ёшини ва машғулотларнинг мақсадини ҳисобга олган ҳолда танлайди. Умумлаштириш, таққослаш муҳимини номуҳимдан ажратиш, боғланиш ва муносабатлар ўрнатиш, кучи етганича хулосалар чиқариш талаб этилган ўйинлар энг самарали ҳисобланади. География дарсларида ўқувчиларга ижодий топшириқлар бериш орқалигина табиат ва жамият ҳақидаги билим ва тасаввурлари ортади, ўқувчиларнинг дунёқараши кенгайди, уларда машғулотларга қизиқиш, ақлий қобилияти ривожланди.

Мазкур тадқиқот ишлар Сирдарё вилояти Сардоба туманидаги 5 сонли умумий ўрта таълим мактабининг 5 «А» ва 5 «Б» синфларида бир чорак бўйича ташкил қилиб ўтказилди. Мактабнинг 5 «Б» синфдаги 27 нафар ўқувчи тажриба гуруҳи тарзда



«География» ўқув предметидаги дарс мавзулар ноанъанавий шаклда ташкил этилди. 5 «А» синфда ўқувчиларга назорат гуруҳи сифатида 28 нафар ўқувчга анъанавий тарзда дарслар ташкил этилди.



*1-схема. «Венн диаграммаси» график органайзери.*

Қуйида ўқитишнинг ноанъанавий методларнинг айримлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

### «Венн диаграммаси» график органайзери (ГО).

Таълим оловчиларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизда мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади.

У кичик гуруҳларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади.

«Венн диаграммаси ГО қуйидаги схема (график тасвир)га эга бўлиб, топшириқ 1-схема асосида бажарилади.

График органайзер таълим оловчилар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича яқуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.

### «КЛАСТЕР» ГО

«Кластер» (ғунча, тўплам, боғлам) график органайзери пухта ўйланган стратегия бўлиб, уни таълим оловчилар билан яқка тартибда, гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотларда қўллаш мумкин. Кластерлар илгари сурилган ғояларни умумлаштириш, улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади (2-схема).


3. «Муносабат» методи

Технология таълим олувчиларга улар томонидан мавзу бўйича ўзлаштирилган билимларни эркин баён қилиш, мазмунини ўз фикри, ҳаётий мисоллар ёрдамида ёритилишини таъминлашга хизмат қилади.

Ўқув жараёнида технологиядан фойдаланиш ўрганилаётган муаммо бўйича муайян масалаларни ҳал этиш, маълум жараён (воқелик, ҳодиса)нинг келиб чиқиш сабаблари, уларни бартараф этиш йўлларини топиш асосида таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ижодий изланиш, фикрини исботлаш ва турли вазиятлардан чиқа олиш кўникма, малакаларини ҳосил қилади.

Технология тарбиявий характерга эга бўлиб, таълим олувчиларга ўзларида ижобий фазилатларни кўпроқ шакллантириш, салбий хислатлардан эса воз кечишларида ёрдам беради (1-жадвал).

**2-СХЕМА. «КЛАСТЕР» ГРАФИК ОРГАНАЙЗЕРИ.**



1-жадвал. «Муносабат» методи.

Муаммо	Юзага келиш сабаби	Салбий оқибатлар	Ҳал этиш йўллари	Шахсан мен нима қилишим мумкин?
Сувсизлик	Тоза ичимлик сувидан тартибсиз фойдаланиш, корхоналарнинг кўпайши ва бошқалар.	Сувсизлик муаммоси касалликларнинг ортиши ва бошқалар	Тежамкор-лик билан фойдаланиш сувга нисбатан бефарқ бўлмаслик ва бошқалар	Сув жумракларини хар доим ёпаман, бекорга ифлослантирмайман ва бошқалар

**4. «ФСМУ» (ФИКР, САБАБ, МИСОЛ, УМУМЛАШТИР) СТРАТЕГИЯСИ**

График органайзер таълим олувчиларда ўрганилаётган мавзу юзасидан фикрларни мустақил баён этиш, шахсий мулоҳазаларни далиллаш (мисоллар билан асослаш), баҳслашиш қобилиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Таълим олувчиларга қуйидаги схема билан ишлаш тавсия этилади (2-жадвал):

**5. «Қарорлар шажараси» («Қарор қабул қилиш») стратегияси**

Стратегия муайян фан асосларига оид бир қадар мураккаб мавзуларни ўзлаштириш, маълум масалаларни ҳар томонлама, пухта таҳлил этиш асосида улар юзасидан муайян хулосаларга келиш, муаммо юзасидан билдириляётган бир нечта хулоса орасидан энг мақбул ҳамда тўғриси топишга йўналтирилган техник ёндашувдир. У аввалги вазиятларда қабул қилинган қарорларни яна бир бора таҳлил қилиш, уни мукамал тушунишга хизмат қилади.

Таълимда стратегияни қўллаш ўрганиляётган муаммо юзасидан оқилона қарор қабул қилиш (хулосага келиш) учун таълим олувчилар томонидан билдириляётган ҳар бир вариантни таҳлил қилиш, мақбул ва номақбул жиҳатларини аниқлаш имкониятини яратади.

Унга кўра машғулотларда таълим олувчилар қуйидаги чизма асосида ишлайди (у ёки бу тартибдаги фаолиятни олиб боришда ёзув тахтасидан фойдаланади) (3-схема):



3-схема. «Қарорлар шажараси» («Қарор қабул қилиш») стратегия  
2-жадвал. «ФСМУ» (Фикр, Сабаб, Мисол, Умумлаштир) стратегияси.

№	Тушунчалар	(Ф)	(С)	(М)	(У)
	Орол денгизи фожиаси	Танг экологик вазият	.....	.....	.....
	Сувсизлик	Дарёларнинг қуриши ....	.....	.....	.....
	Цунами	Иқлим ўзгариши	.....	.....	.....

Машғулотларни ноанъанавий усуллар орқали ташкил этилиши ўқувчиларнинг ўзлаштириш самардорлигини ҳамда машғулотларнинг сифат даражаси орттиради.

Ўтказилган тажрибалар натижаси шуни кўрсатдики, дарсларни ноанъанавий усуллар асосида ташкил қилиш натижаси мавзуларни ўзлаштириш ва ўқувчиларнинг билим ўзлаштириш даражаларида фарқлар яққол кўриниб қолди (3-жадвал).

**3-жадвал. Ўқувчилар ўзлаштириш кўрсаткичлари.**

Синфлар	Ўқувчилар сони	Ўзлаштириш кўрсаткичлари:			
		2	3	4	5
5 «А»	28 нафар	0	9	15	3
5 «Б»	27 нафар	0	3	11	13
Фарқи ўқувчи сони нафар			6 нафар кам	4 нафар кам	10 нафар кўп



Олиб борилган тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, география дарсларида ноанъанавий дарс усулларидан фойдаланиш асосида ўқитилишини йўлга қўйиш дарс самарадорлигини оширишни кафолатлайди.

Тажриба-синов ишларининг натижаларига асосан қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Тажриба-синов ишлари жараёнида ноанъанавий усулларидан фойдаланиш асосида дарс изчил, узлуксиз ва тизимли олиб борилиши география табиат ҳақидаги билимларни шакллантириш борасида самарадорликка эришишимизга замин яратди.
2. Ўқувчиларда шаклланган географияга оид билим даражаси ҳамда унинг сифати тадқиқотни олиб боришда илгари сурилган илмий фаразларнинг тўғри эканлигидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, география дарслари ноанъанавий дарс усулларидан фойдаланиш асосида ташкил этилса, ўқувчиўқувчи (субъект-субъект) муносабати ўрнатилади. Яъни, бу ҳар бир ўқувчини янгилик сари етаклайди, унинг мустақил фикр юритиш қобилиятига ижобий таъсир кўрсатади, фаоллигини, ўқишга масъулиятини оширади. Ана шунда ўқувчининг билимларини мустаҳкам ва пухта ўзлаштирилишига эришилади, дарс самарадорлиги кафолатланади.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Толипов Ў.Қ. Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. – Т.: «Фан», 2006, 150 бет.
2. Ғуломов П., Қурбонниёзов Р. География (умумий ўрта таълимнинг 5 синфлари учун дарслик). – Янгийўл, «Янгийўл полиграф сервис», 2015.
3. Yoʻldoshev J., Hasanov S. Pedagogik texnologiyalar. Oʻquv qoʻllanma. - Т.: «Iqtisodmoliya», 2009.
4. Асранов С. Янги педагогик технологиялар ва уларнинг имкониятлари. Замонавий педагогик технологияларнинг ташкилий ва илмий-методик муаммолари. Илмийамалий анжуман материаллари тўплами. – Т.: 2005, 41-бет.
5. Муслимов Н., Усмонбоева М., Мирсолиева М. «Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик» ўқув услубий мажмуа. - ТДПУ хузуридаги ПКҚТ ва МО маркази, 2016 йил 6 апрель. 14-28 бетлар.